


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(мамлакатлар ва минтақалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг
малака талаблари*

Тошкент

1



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <i>60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлақатишунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи</i>	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. <i>60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлақатишунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши</i>	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2. <i>60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлақатишунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i> .	4
1.2.1. <i>60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлақатишунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i>	4
1.2.2. <i>60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлақатишунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	4
1.2.3. <i>60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлақатишунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	5
1.2.4. <i>60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлақатишунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i>	5
2. <i>60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлақатишунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	7
2.1. Умумий компетенциялар	7
2.2. Касбий компетенциялар	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи	9

1. 60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби 60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга қираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, битирувчиларнинг касбий фаолият объекти иқтисодий ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари, минтақа (мамлакат) ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий асослари ва амалий жиҳатлари, ўрганилаётган минтақа (мамлакат) ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммолари ва истиқболлари, минтақа мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқалари, жаҳон хўжалиги тизимида интеграциялашуви йўналишлари, минтақа мамлакатларининг тарихи, маданияти, тили, ижтимоий-сиёсий тизими ҳамда таълим соҳасига мос ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимидаги ўқув-тарбия жараёнлари билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасидан иборат.

1.2.2. 60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо

вазирлиги, Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги;

- вазирликлар, давлат кўмиталари, ҳокимликлар ва бошқа давлат идоралари, муассасаларнинг иқтисодий бошқарма ва бўлимлари;

- халқаро иқтисодий ташкилотлар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотлардаги ваколатхоналари ва халқаро иқтисодий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари;

- иқтисодиёт ва бизнес йўналишидаги илмий-тадқиқот муассасалари;

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумлари;

- турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, давлат муассасалари, мамлакат ва халқаро фаолият билан боғлиқ бўлган нодавлат ва давлат тизимлари;

- таржимонлик фаолияти;

- ихтисослик соҳасига оид бошқа ташкилотлар.

1.2.3. 60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

• илмий-тадқиқот;

• маънавий-маърифий;

• молиявий-иқтисодий;

• ҳисоб, таҳлил ва назорат;

• ташкилий-бошқарув;

• ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;

• педагогик (умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларда)

1.2.4. 60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– ўрганилаётган минтақа (мамлакат) иқтисодиётига оид турли тадқиқотларни амалга ошириш, улар билан боғлиқ амалиётларни ўтказиш, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда ўрганилаётган минтақа (мамлакат) иқтисодиётига оид адабиётларни экспертиза қилиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

– махсус адабиётлар ва хорижий мамлакатлар иқтисодиётига оид бошқа илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, хорижий мамлакатлар иқтисодиётига оид адабиётлар экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш;

Маънавий-маърифий фаолиятида:

– диний конфессияларнинг фаолияти, глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда динларнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

– маҳаллаларда маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

– миллий ва диний урф-одат ва маросимларни ўтказишда умуминсоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

– давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- меҳнат бозорида кадрлар маркетинги тадқиқотларини ўтказиш;
- иқтисодиёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;
- ижтимоий меҳнат аудити фаолият йўналишларини белгилаш;
- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- меҳнат соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- мулкчилик шаклидан катъий назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- меҳнат кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;
- молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш;

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;
- меҳнатни ташкил қилиш ва меъёрлаштириш;
- иш жойларини режалаштириш, лойиҳалаш ва ташкил этиш;
- меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш ва тартибга солиш;
- меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни назорат қилиш;
- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини ташкиллаштириш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- иқтисодиёт тармоқ ва корхоналари ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

– давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- меҳнат бозорида кадрлар маркетинги тадқиқотларини ўтказиш;
- иқтисодиёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;
- ижтимоий меҳнат аудити фаолият йўналишларини белгилаш;
- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;
- йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио маҳсулотларни экспертиза қилиш;
- ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш;

Педагогик фаолиятида (мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларида):

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус таълим тизими муассасалари ҳамда профессионал таълим муассасалари ва техникумларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари ҳамда ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар бўйича ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

2. 60411800 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва ўзларининг профессионал фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- қабул қилинган қарорларнинг ижтимоий аҳамияти нуқтаи назаридан жавобгар бўлиш ва ташкилий ва бошқарув қарорларини топиш қобилиятига эга бўлиш;
- иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;
- статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши;
- жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиши;
- режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;
- бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик

ушуллари хакида тасаввурга эга бўлиши;

- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидаги институтлар фаолияти ва уни ташкиллаштириши;

- бозор хўжалиги шароитида ташки иқтисодий фаолият йўналиши, механизми ва амалга ошириш шакллари; мамлакат ташки савдоси ривожланишининг замонавий ҳолати ва муаммолари (ташки савдо статистикаси); ташки иқтисодий алоқаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш; ташки иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишининг асосий тамойиллари; ташки иқтисодий сиёсат соҳасидаги билимларни эгаллаган бўлиши;

- замонавий маркетинг методологияси, истеъмолчиларни ўрганиш, товар ва товар сиёсати; стратегик маркетинг, маркетингда режалаштириш, корхонада маркетингни ташкил этиш; менежментнинг вазифа ва ушуллари, раҳбарлик услублари, лидерликнинг назария ва амалиёти, ўрганилаётган минтақа мамлакатларида фирмаларни бошқариш, музокаралар назарияси ва амалиёти; ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш даври мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий моделлари хусусиятларини билиши лозим.

- ўрганилаётган минтақа(мамлакат)нинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви; ўрганилаётган минтақа(мамлакат) ижтимоий-иқтисодий ривожланиш модели хусусиятлари; ўрганилаётган минтақа(мамлакат) тарихи ва маданияти; ўрганилаётган минтақа(мамлакат) давлат тузуми ва ижтимоий-сиёсий оқимлари соҳасидаги билимларни эгаллаган бўлиши;

- асосий ўрганилаётган шарқ тилини ўзлаштириш даражаси “А1 бошланғич” босқичидан бошлаб “В2 тилни мустақкам эгаллаш ва эркин мулоқот қила олиш” босқичигача бўлган кўникмалар доирасидаги билимларни камраб олиш;

- ўрганилган шарқ ҳамда ғарб тилларида ахборот таҳлилини олиб бориш, шунингдек, таржима ва иқтисодий масалалар бўйича объектив консалтинг хизматларини бажариш қобилиятини шакллантириш;

- иқтисодга оид фанларни ўқитиш методикаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти каби тамойиллари;

- касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, йўналиш, ўрганиш натижалари, касб таълими, жаҳон иқтисодиёти, миллий иқтисодиёт, бозор иқтисодиёти, иқтисодий атамалар, иқтисодий категориялар, иқтисодий ривожланиш моделлари, хорижий мамлакатлар иқтисодиёти, мамлакатшунослик, ташки иқтисодий фаолият, хорижий инвестициялар, жаҳон хўжалигининг глобаллашуви, минтақавий интеграция, бизнес, тадбиркорлик, моддий ва молиявий ресурслар, маркетинг, менежмент, инновацион менежмент; жаҳон хўжалигининг ривожланиш марказлари; замонавий иқтисодий категориялар ва тушунчалар, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш омиллари, моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари алмашуви; асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар; замонавий банк-молия, кредит муносабатлари назарияси ва амалиёти; ўрганилаётган минтақа аҳолисининг миллий-этник ва ижтимоий таркиблари; ўрганилаётган минтақа мамлакатларининг хўжалик-иқтисодий хусусиятлари.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Ректор  Г.Ш.Рихсиева

2021 йил « 18 » 08

М.Ў



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсанов

2021 йил « 18 » 08

М.Ў



Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат
палатаси


Раиси  А.Н.Икрамов

2021 йил « 18 » 08

М.Ў



Ўзбекистон халқаро ислом академияси


Ректор в.б.  М.Комилов

2021 йил « 18 » 08

М.Ў



Тошкент давлат иқтисодиёт
университети

Ректор  Қ.Шарипов

2021 йил « 18 » 08

М.Ў

